

## V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ <sup>1)</sup>

**Фойда.** Ҳисобот маълумотларига кўра, 2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 2 140 695,0 млн. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда, фойда ҳажми 1 685 653,7 млн. сўм ёки 4,7 мартага ошди.

### 2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (+, -), млн. сўм</i>	<i>2019 йил январь-февралга нисбатан, % да</i>
<b>Жами</b>	<b>2 140 695,0</b>	<b>4,7 м</b>
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	74,5	372,5 м
Ишлаб чиқарадиган саноат	2 114 967,8	5,0 м
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	26 979,2	98,7
Қурилиш	1162,2	3,4 м
Савдо	-463,8	-
Ташиш ва сақлаш	-4830,6	-
Сув билан таъминланиш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	145,9	65,0
Кўчмас мулк билан операциялар	809,6	88,8
Профессионал, илмий ва техник фаолият	1737,2	2,2 м
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	80,9	-
Таълим	0,1	-
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	32,0	102,2

Ижобий молиявий натижа (фойда)нинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига – 2 114 967,8 млн. сўмга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони

<sup>1)</sup>Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

кондициялаш корхоналарига – 26 979,2 млн. сўмга, профессионал, илмий ва техник фаолият – 1 737,2 млн. сўмга, қурилиш корхоналарига – 1 162,2 млн. сўмга тўғри келади.

Салбий молиявий натижа (зарар)нинг асосий қисми “Ташиш ва сақлаш” ҳамда “Ишлаб чиқарадиган саноат” корхоналарига минус 6949,3 млн. сўмга тўғри келади.

2019 йилнинг январь-февраль ойларини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “Навоий КМК” ДК (2 050 095,6 млн. сўм), “Ўзсаноатқурилиш материаллари уюшмаси” (45 479,6 млн. сўм), “Ўзкимёсаноат” АЖ (17 591,6 млн. сўм), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (2 045,2 млн. сўм), “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси” (1 257,0 млн. сўм), Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (480,3 млн. сўм), Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси (384,8 млн. сўм) таркибига кирувчи корхоналарга тўғри келди.

**2020 йилнинг январь-февраль ойларида фойданинг ўсиш суръати юқори бўлган вазирлик ва идоралар**

	Фойда, зарар (+,-), млн. сўм	2019 йил январь-февралга нисбатан, % да
“Навоий КМК” ДК	2 050 095,6	4,2 м
“Ўзсаноатқурилиш материаллари уюшмаси”	45 479,6	118,6
“Ўзкимёсаноат” АЖ	17 591,6	11,9 м
“Худудий электр тармоқлари” АЖ	2 045,2	-
“Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси”	1 257,0	2,1 м
“Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри” давлат қўмитаси	480,3	2,8 м
“Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари” давлат қўмитаси	384,8	2,7 м

Фойданинг пасайиши “Иссиқлик электр станциялари” АЖ - 24 932,5 млн. сўм, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ - 641,5 млн. сўмга, “Ўздонмаҳсулот” АК – 522,6 млн. сўмга, “Дори-дармон” АЖ – 141,3 млн. сўмга, “Ўзпахтасаноат” АЖ - 73,0 млн. сўмга юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналарда кузатилган.


**2020 йилнинг январь-февраль ойларида фойданинг пасайиши юқори бўлган вазирлик ва идоралар**

	Фойда, зарар (+,-), млн. сўм	2019 йил январь-февралга нисбатан, % да
“Иссиқлик электр станциялари” АЖ	24 932,5	74,4
“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ	641,5	97,8
“Ўздонмаҳсулот” АК	522,6	50,1
“Дори-дармон” АЖ	141,3	47,0
“Ўзпахтасаноат” АЖ	73,0	29,6

**2020 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари**

	Фойда, зарар (+,-), млн. сўм	2018 йил январь-февралга нисбатан, % да
<b>Жами</b>	<b>2 140 695,0</b>	<b>4,7 м</b>
Навоий	2 116 953,6	5,0 м
Зарафшон	1 103,2	2,4 м
Кармана	21 365,7	63,5
Конимех	74,5	372,5 м
Қизилтепа	1055,8	103,4
Навбаҳор	39,9	399,0 м
Нурота	-	-
Томди	-	-
Учкудук	0,6	100,0
Хатирчи	101,7	12,3 м

**2020 йилнинг январь-февраль ойларида худудлар кесимида якуний молиявий натижалари**  
(2019 йил январь-февралга нисбатан, % да)



Худудлар кесимида фойданинг асосий қисми Навоий шаҳар 2 116 953,6 млн. сўм (жами фойданинг 98,9 %), Кармана тумани 21 365,7 млн. сўм (1,0%), Зарафшон шаҳар 1 103,2 млн. сўм (жами фойданинг 0,1 %)га тўғри келади.

**Зарар.** 2020 йилнинг январь-февраль ойларида 8 та корхона 6 949,3 млн. сўм зарар билан фаолиятини якунлади.

Зарарнинг асосий қисми “Ташиш ва сақлаш”, “Улгуржи ва чакана савдо” ҳамда “Ишлаб чиқарадиган саноат” таркибига кирувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

**2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	Корхоналар сони	Зарар сўммаси	
		млн. сўм	жамига нисбатан, % да
<b>Жами</b>	<b>8</b>	<b>6949,3</b>	<b>100,0</b>
Ташиш ва сақлаш	4	4863,5	70,0
Улгуржи ва чакана савдо	1	1954,8	28,1
Ишлаб чиқарадиган саноат	3	131,0	1,9

**2020 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	Корхоналар сони	Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да	Зарар сўммаси, млн. сўм
<b>Жами</b>	<b>8</b>	<b>100,0</b>	<b>6949,3</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Навоий шаҳар	4	36,5	2536,1
Зарафшон шаҳар	2	3,0	206,8
Кармана тумани	2	60,5	4206,4

### **Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати<sup>1)</sup>**

2020 йил 1 март ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 4 709 062,3 млн. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган – 18 861,5 млн. сўм ёки жами қарздорликнинг 0,4 фоизи.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2019 йил 1 мартга нисбатан солиштирганимизда 52,4 % га камайган бўлса, жами дебитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 2,6 мартага ошган.

Худудлар бўйича кўрилганда дебитор қарздорлиги юқори Навоий шаҳар 3 557 497,5 млн. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 75,5 %), Кармана 991 102,9 млн. сўм (21,0 %), Конимех 74 134,3 млн. сўм (1,6 %), Хатирчи 41 060,8 млн. сўм (0,9 %) туманларига тўғри келди.

Бунга қарама-қарши дебитор қарздорлик Зарафшон шаҳар 9 244,9 млн. сўм (0,2 %), Қизилтепа тумани 15 266,1 млн. сўм (0,3 %) ва Навбаҳор туманида 20 755,9 млн. сўм (0,4 %) пастлигини кўриш мумкин.

#### **2020 йил 1 март ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби**

	Жами, млн.сўм	ундан:			Муддати ўтган қарздорликнинг улуши, % да
		харидор ва буюртмачилар	етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар	ички идоравий	
<b>Жами</b>	<b>18861,5</b>	<b>17413,8</b>	<b>1089,1</b>	<b>-</b>	<b>100,0</b>
Ишлаб чиқарадиган саноат	17711,7	16264,0	1089,0	-	93,9
Қурилиш	214,8	214,8	-	-	1,1
Ташиш ва сақлаш	935,0	935,0	-	-	5,0

<sup>1)</sup>Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2020 йил 1 март ҳолатига жами дебитор қарздорлиги 4 534 446,3 млн. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 96,3 фоизини ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорлиги “Навоий КМК” ДК 2 747 820,8 млн. сўм (60,6 %), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ – 983 423,1 млн. сўм (21,7 %), “Худудий электр тармоқлари” АЖ 378 136,8 млн. сўм (8,3 %), “Ўзкимёсаноат” АЖ – 212 241,3 млн. сўм (4,7 %) га.

Дебитор қарздорлик “Ўзбекнефтгаз” АЖ – 1,2 % га (56 290,1 млн. сўм), “Ўзпахтасаноат” АЖ - 1,2% га (53 045,4 млн. сўм), "Ўзтрансгаз" АЖ - 1,1 % га (50 964,2 млн. сўм), “Ўздонмахсулот” АЖ – 0,6 % га (28 626,6 млн. сўм), “Сув хўжалиги вазирлиги” – 0,4% га (18 702,7 млн. сўм), “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги” – 0,1 % га (4 467,0 млн. сўм) камайган.

Муддати ўтган дебитор қарздорликни 2019 йил 1 мартга нисбатан солиштирганимизда 57,9 % га камайган.

2020 йил 1 март ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 4 242 299,0 млн. сўм, ундан муддати ўтган – 28 012,0 млн. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 0,7 % ни ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорликни 2019 йил 1 мартга нисбатан солиштирганимизда 25,5 % га камайган бўлса, жами кредитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 54,3 % га ошган.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2020 йил 1 март ҳолатига жами кредитор қарздорлиги 3 998 078,0 млн. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 94,2 % ни ташкил қилди, шу жумладан муддати ўтган – 26 236,1 млн. сўм ёки мос равишда 29,4 фоизга камайди.

**2020 йил 1 март ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича  
муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби**

	Жами, млн. сўм	ундан:				Мудда- ти ўтган қарздорлик- нинг улуши, % да
		етказиб берувчи лар ва пудрат- чиларга	бюд- жетга тўлов- лар	давлат мақсадли фондларига тўловлар	ички идоравий	
<b>Жами</b>	<b>28012,0</b>	<b>26105,3</b>	-	-	<b>1860,8</b>	<b>100,0</b>
Ишлаб чиқарадиган саноат	26502,7	24596,0	-	-	1860,8	94,6
Ташиш ва сақлаш	1509,3	1509,3	-	-	-	5,4

2020 йил 1 март ҳолатига жами кредитор қарздорликнинг дебиторликдан камайиши 466 763,3 млн. сўмни ташкил қилди.

**Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг  
дебиторликка нисбатан камайиши**

	Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан камайиши	
	млн. сўм	дебиторга нисбатан, % да
"Иссиқлик электр станциялари" АЖ	586 762,0	40,3
"Навоий КМК" ДК	473 892,0	82,8
"Худудий электр тармоқлари" АЖ	69 446,9	81,6
"Ўзбекнефтгаз" АЖ	49 733,9	11,6
"Ўзпахтасаноат" АЖ	45 219,1	14,8
"Ўзтрансгаз" АЖ	22 146,6	56,5
"Ўздонмаҳсулот" АК	20 586,6	28,1



Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан камайиши "Иссиқлик электр станциялари" АЖ – 586 762,0 млн. сўмга (40,3 %), “Навоий КМК” ДК 473 892,0 млн. сўмга (82,8 %), “Худудий электр тармоқлари” АЖ – 69 446,9 млн. сўмга (81,6 %), “Ўзбекнефтгаз” АЖ – 49 733,9 млн. сўмга (11,6 %), “Ўзпахтасаноат” АЖ – 45 219, 1 млн. сўмга (14,8%), “Ўзтрансгаз” АЖ – 22 146,6 млн. сўмга (56,5 %) ва “Ўздонмахсулот” АК – 20 586,6 млн. сўмга (28,1 %) кузатилди.

Худудлар бўйича кўрилганда кредитор қарздорлик камайиши Кармана 543 158,5 млн. сўм (45,2 %), Хатирчи 24 875,0 млн. сўм (39,4 %), Навбахор 18 534,9 млн. сўм (10,7 %) ва Конимех 9 862,8 млн. сўм (86,7 %) туманларига тўғри келди. Бунга қарама-қарши кредитор қарздорликнинг Навоий шаҳар 120 256,3 млн. сўм (103,4 %), Қизилтепа тумани 9 367,6 млн. сўм (161,4 %) ва Зарафшон шаҳрида 41,8 млн. сўм (100,4 %) юқорилигини кўриш мумкин.